




# ТОШКЕНТ



## XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга туловлар интизомини мустақамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг тулов мuddати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШнинг «Ньюмонт майнинг» компанияси бошқаруви раиси Рональд Кэмбри бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида бўлди. Учрашувда компания билан ҳамкорлик истикболлари ҳусусида сўз борди.

● Бекободдаги «Узметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида темир-тераск, қора ва рангли металл чиқиндиларини қайта ишлашга тайёрлаш ҳамда топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлиси бўлди.

● «Хива гилами» акциядорлик жамияти қошида Ўзбекистон-Германия «Хива-карпет» қўшма корхонаси ташкил этилди.

● Андижон вилоятида «Ҳамкор» акциядорлик-тижорат банки тадбиркор кишилар учун бепул хуқуқий маслаҳатлар берадиган хизматни ташкил этди.

● Оҳангаронда шаҳардаги энг катта супермаркет харидорларга ўз эшикларини очди.

● Термиз-Душанбе автомобиль трассасининг Шўрчи туманидан ўтадиган қисмида ҳам замонавий супермаркет бунёд қилинди.

● Республика болалар кутубхонасида Маданият ишлари вазирлиги томонидан ташкил қилинган «Соғлом авлод — мамлакат бойлиги» номли оммавий тадбирларнинг энг яхши сценарийси республика танлови ғолибларининг яқини босқичи ўтказилди.

● Қашқадарё вилоятининг Чирочки туманидаги «Буёқ авлод» шахмат клуби республикадаги энг яхши спорт клуби деб тан олинди.



## Жаҳонда

● АҚШда Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонаси ва Америка-Ўзбек савдо палатаси томонидан уюштирилган Бухоро вилояти кўнлари бўлиб ўтди.

● Бугун Европа Иттифоқининг делегацияси Москвага келади. Олий даражада бўлиб ўтадиган музокаралар Россия ва Европа Иттифоқининг муносабатларини бундан буён вивожландириш масалаларида бағишланиши кутилмоқда.

● Бугун Бишкекда «Шанхай бешлиги» мамлакатлари экспертларининг кенгаши очилади. Унда террорчиликка қарши ягона марказ фаолияти масалаларини муҳокама этиш кўзда тутилган.

● АҚШ Президенти Жорж Буш Исроил билан Фаластин ўртасида тинчлик ўрнатиш борасида собиқ Президент Билл Клинтон олға сурган таклифларни қўллаб-қувватламайди. Жорж Бушнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Кондолиза Райс шундай деди. Унинг айтишича, Жорж Буш бу музокараларда АҚШнинг марказ ўрни тугиши ва жараён учун асосий жавабгарлик Есир Арафат ва Ариэль Шарон зиммасида бўлиши тарафдоридир.

● Ўртада Ерewanда 1999 йилнинг октябрида Арманистон парламентида юз берган террорчилик ҳаракати бўйича иш юзасидан суд жараёни бошланади. Маълумки, ана шу террорчилик ҳаракати пайтида бир неча юксак мартабали сиёсий арбоблар ўлдирилган эди. Суд жараёни арасида Арманистон бош прокурори Б.Назарян истеъфога чиқди.

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Австрия федерал канцлери Вольфганг Шюссел билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг журналистлар билан қилган суҳбатда НАТОнинг Шарққа томон кенгайишига қарши эканлигини билдирди.

● Европа Иттифоқи Грузияга 10 миллион евролик грант ажратди. Европа комиссияси вакиллари ва Грузия миллий банки раҳбарияти ўртасида шу ҳақда англашув меморандуми имзоланди.

● Осие-Тинч океани минтақаси мамлакатларида қашшоқликка қарши кураш муаммоларида бағишланган анжуман ниҳоятга етди.

● Конго Демократик Республикасининг янги Президенти Жозеф Кабиланинг бўйриғига биноан мажмур мамлакатнинг марҳум раҳбари Лоран Дезире-Кабиланинг ўлдирилиши текшириш қўмитаси тўзилиди. Ушбу қўмитага Ангола, Зимбабве ва Намибия вакиллари қўрилди. Қўмита ҳар қандай одамни сўроқ қилиш ва ҳибсга олиш воқолатига эгадир.

● Чехия Президенти В.Гавел ўлкасида шамоллаш бошланганлиги боисидан ўзининг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарини тўхтатди. Қувват амри томонидан ажратилган санитария самолётида В.Гавел Прагага қайтиб келди ва зудлик билан марказий ҳарбий госпиталга ётказилди.

● Россияда грипп эпидемиясидан саккиз киши, жумладан, олти нафар бола вафот этди.

● Буюк Британия маъмулари Беларусь Марказий банкнинг собиқ раиси Т.Винниковани Беларусь бериши рад этилди. Маълумки, Т.Винникова ватандош катта миқдордаги маблағни ўғирлаганликда гумон қилинмоқда. У яширин йўл билан хорижга ўтиб кетди ва Лондонда яшамоқда.

● Афғонистондаги Толибон ҳукуматининг ташқи ишлар вазири Вақил Аҳмад Мутаваққил бундан бир оз аввал Усама бин Ладенни бирорқил ислон давлати судига топширилиши ҳақида тарқалган хабарни рад этди.

● Грузия Президенти Эдуард Шевардидзе Грузия яқин йиллар ичида ўзининг бетарафлигини эълон қилиши мумкинлиги ҳақида баёнот бериб, бу нарса НАТО билан ҳамкорликка таъсир қўрсатмаслигини таъкидлади.

● Украина фуқароси В.Ивасюк Англиядан сиёсий бошпана сўради. У журналист Г.Гонгадзенинг гойиб бўлганлиги тўғрисидаги иш юзасидан парламент текшируви пайтида шифокор-эксперт сифатида қатнашган эди. В.Ивасюкнинг таъкидлашича, эндиликда унга Украина хавфсизлик хизмати ходимлари таҳдид қилмоқдалар.

● Габо ҳудудида қуролланган фаластинликлар ва исроиллик аскарлар ўртасида кескин ошмавлар рўй берди. 70 нафарга яқин фаластинлик турли даражадаги тан жароҳати олди. Бир неча фаластинликнинг Исроил блокпостида қилган ҳужуми ана шундай тўқнашувга сабаб бўлди.

● Сальвадорда 6 балдан зиёдрок куч билан яна ер силкинishi рўй берди. Қўллаб биноларнинг вайрон бўлганлиги, 90 дан ортиқ одамнинг ҳалок бўлганлиги, қўллаб кишиларнинг жароҳатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар олинди. Бундан бор-йўғи бир ой муқаддам қули эзилгани бошдан кечирган аҳоли саросимага тушиб қолди.

● Рио-де-Жанейро шаҳрида йўлтўсарлар Рональдого ҳужум қилишди. Босқинчилар машҳур футболчи қурол ўқталиб, ҳамени ва «BMW» русумли машинасини олиб қўйишди. Утган йилги Пеле ҳам ўз ватанида шундай ҳолатга тушган. Босқинчилар футбол қиролини таниб қолиб, қўйиб юборишган эди. Афтидан Бразилияда машҳур футболчи Рональдони яхши танимайдиган қўришади.

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

# ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 19 (9.516) 2001 йил 14 февраль, чоршанба Сотувда эркин нархда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида

Меҳнатни рағбатлантириш ва манфаатдорликни ошириш соҳасида бошқаруви ташкил этиш даражасини ошириш ва такомиллаштириш, аҳолини иш билан оқилона таъминлаш, ижтимоий таъминот тизимини яхшилаш, эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни тобора чуқурлаштириш шартларида ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, шу асосда аҳолининг фаровонлиги барқарор юксалиб бориши таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизига Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг таклифи қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:
  - халқнинг моддий фаровонлиги барқарор сурьатда мутасил ўсиб боришини таъминлашга, иқтисодий торабора эркинлаштириш шартларида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ягона сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш;
  - демографик ривожланишнинг тахминий маълумотларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини назорат қилиш, меҳнат бозорини шакллантириш ва меҳнатга қобилияти аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш борасида фаол сиёсатни ўтказиш, меҳнат ресурслари баланслари асосида иш жойларини яратиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;
  - меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат шартларини, уни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва мейнлаш тизимини такомиллаштириш бўйича бозор шартлирига мос келадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни амалий жиҳатдан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирларини рўйбга чиқиш, аҳолининг ижтимоий ноқор табақаларини аниқ ҳомиёлашнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
  - ижтимоий таъминотни ташкил этиш ва бошқариш, ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва соғлигини тиклаш хизмати фаолиятига раҳбарлик қилиш, аҳолига протез-ортопедия ёрдами ташкил этиш;
  - меҳнат, иш билан таъминлаш, аҳолининг пенсия таъминотини ва унга ижтимоий хизмат қўрсатишига такомиллаштириш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман, шаҳарларнинг ҳокимликларига, корхоналар ва ташкилотларга ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
  - аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги ишларни ташкил этишда маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ҳар томонлама ёрдам қўрсатиш;
3. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари негизига Қорақалпоғистон Республикасининг Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ташкил қилинсин.
- Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармалари ўз фаолиятида тегишли ҳокимликларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ҳисобот берадилар.
4. Қуйидагилар белгилансин:
  - туманлар ва шаҳарларда амалдаги меҳнат, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ижтимоий таъминот бўлимлари сақланиб қолади;
  - туман (шаҳар), меҳнат, аҳоли бандлиги ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ижтимоий таъминот бўлимлари ўз фаолиятида тегишли ҳокимликларга ҳамда меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларига ҳисобот берадилар.
5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан унинг воқолати доирасида қабул қилинадиган қарорлар вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхона ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.
7. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 13 февраль.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Париж кўрғазмасида қатнашади

«Қизил тонг» очик турдаги хиссадорлик жамияти чеварлари 1 миллиард 664 миллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариб ўтган йилни муваффақият билан ақунладилар.

Корхонанинг 1350 нафардан ортиқ жамоаси жорий йилда ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш, харидор талаби асосидаги сифатли, чиройли маҳсулотлар тикиб тайёрлаш йўлида саъй-ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг баракали меҳнатлари эвазига 2001 йил охиригача 2 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Яна шуниси эътиборлики, республикада ишлаб чиқарилган матолардан тайёрланган 24 моделдаги маҳсулот февраль ойи охирида Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро кўрғазмада қатнашади.

Дилфуза ҒОҒУРОВА



Монтажчи Тошмуҳаммад Ҳакимов ўзининг фидойи меҳнати билан ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор толган бунёдкордир. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

## ҚИСҚА САТЛАРДА

◆ ШАЙХОНТОХУР туманида баҳор байрами — Наврўзга тайёрларлик қизгин кетмоқда. Режага кўра байрам кезларида кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, фахрийларга хайрия ёрдамлари кўрсатилади. Наврўзга бағишланган байрам тадбирлари ўтказилади, туманининг барча маҳаллаларида меҳмонларга тўкин дастурхонлар ёзилди.

◆ ЮНУСОБОД туманида ҳам Наврўз байрамига тараддул доирасида тумани ободонлаштириш бўйича ойлик бошланди.

◆ ЭРТАГА Киночилар уйда сиёсий плакатлар кўрғазмаси очилади. Кўрғазманинг бош мавзуси халқро терроризм, диний ақидапарастлик, гивъандликка қарши курашга қаратилган.

◆ КЕЧА Акмал Икромов ҳокимлигида Оналар ва болалар йили доирасида «Аёл, бола, экология» мавзусида анжуман ўтказилди. Унда халқ таълими, соғлиқни сақлаш ходимлари, «Экосан» жамғармаси ва туман хотин-қизлар қўмитасининг вакиллари қатнашиб, она ва бола саломатлиги билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

◆ КЕЧА Чилонзор тумани ҳокимлигида туман аҳолиси хавфсизлигини таъминлашга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

◆ РЕСПУБЛИКА Байналмиал маданий марказида кўвноклар ва зукколар жомаларининг фестивал учрашуви бўлди. Унда рус, грек, арман ва яҳудий маданий марказларининг вакиллари кўвноклар ва зукколар республика саралаш босқичига чиқиш учун беллашдилар. Барча жамоалар совринлар билан тақдирланди. Арманлар жамоаси яхшиларнинг яхиси деб топилди.



## Тарихимизнинг янги, ёрқин ўн саҳифаси

Тарих гилдираги шиддат билан олға интилмоқда. Ўз эрки, озодлигини кўлга киритган халқимиз ана шу эрк ва озодлик нашидаси ила ўз тақдирини, ёрқин келажагини яратиш йўлида асрга татиғулик марраларга эришмоқда.

Ҳа, тарих шиддати, давр шижоати фидойилик билан қўшилиб, халқимиз, миллатимизнинг қомиллик, фаровонлигининг нури чўққилари сари ҳаракатига қанот бағишламоқда. Эришадиган натижаларимиз, қундалик ҳаётимиздаги завоқрол ўзгаришлар — ана шундан.

Эҳ-эҳ, ўн йилга яқин вақт ичида қанчалар бунёдкорлик ишлари амалга оширилмади! Шаҳар-қишлоқларимиз жамоли беҳиёс ўзгариб кетгани-чи! Биргина пойтахтимизга назар солинг: мустақиллик йилларида бунёд этилган осмонўпар бинолар, мисли кўрилмаган маҳобатли кўприклар, Миллий боғимиз, бошқа истироҳат боғларидаги улкан таъмирлаш ишлари, шарқона фойз-баракага тўлиб-тошган бозорларимиз — буларни санаб адоғига етиш қийин. Ҳадемай, Тошкент ўнлаб сунъий кўлар — сузиш хавзалари, юзлаб фавворалар, ямғирли боғ-роғлар, гўзал ва бетакрор хиёбонлар шаҳрига айлиниши турган гап.

Жонжон пойтахтимиз истиқболга эса янада порлоқ. Бунёдкорлик ишлари бундан ҳам шиддатли сурьат касб этади. Энг азис, энг буюк байрамимиз — Мустақилликнинг ўн йиллиги арасида метронинг 6 бекатдан иборат янги — Юнусобод йўналиши ишга тушади. Келгусида Собир Раҳимов — Буюк Ипақ йўли йўналиши бир томондан Тошкент трактор заводига, Фарбада эса Отчопар — Сирғали туманига узайтирилади.

Санаъат қошоналари — давлат консерваториясининг мухташам биноси фойдаланишга топширилиши, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида таъмирлаш ишлари ниҳоятга етказилиши керак. Ўшларимизни олий ўқув юртига тайёрловчи академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг янги-янги бинолари қад кўтарди. 15-шаҳар касалхонасининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз муҳим воқеаларга янада бой бўлади. Истиклолнинг ўн йиллик шони санасига бағишланган кўллаб халқаро тадбирлар ўтказилиши белгиланган. «Авесто»га бағишланган халқаро анжуман, халқ таълимининг такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, халқаро таъсирий санъат, фотосуратлар кўрғазмалари шулар жумласидандир.

Ҳурматли оқшомонлар! Газетамиз саҳифаларида ҳаётимизнинг — пойтахт ҳаётининг юқорида санаб ўтилган барча қирралари кенг ёритилиб боради. Бунинг учун янги-янги рунлар, янги йўналишлар очилади. «Пойтахтимиз жамоати», «Пойтахт туманларининг бир кунини», «Мустақиллик иншоотларида», «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Шу азис Ватан — барчамизники», «Бугуннинг қадри» ва бошқа рунларда ҳамшаҳарларимизнинг фидойи меҳнат-

лари, эришилаётган зафарлар ҳақида, Истиқлолимизнинг ўн йиллик кўтлуг айёмига пойтахт фуқаролари кўраётган катта тараддул ҳақида изчил ёритиб борамиз.

Ҳақиқат таққослаш — қиёбаслаш орқали аниқланади. Мустақиллик йиллари кўлга киритилган натижалар салмоғи ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар моҳияти мустамака сиёсати таъғирлиги йилларига солиштириб қўрилганда яққол намойён бўлади.

Бинобарин, амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари Ўрта Осиёнинг раҳбарлигида юритилаётган ички ва ташқи сиёсатининг, халқимиз жипслиги, фуқаролар тотувлиги, ижтимоий барқарорлик туғайлигига юзага келаятган идрок этиш, онгимиз—шууримизга синдиришимиз, олға қилинаётган ҳаракатимизга шахсан муносиб хисса қўриши иқтилошимиз керак. Фуқаролик бурчи, буюк аждодларимиз аъёнларига садоқат руҳи ана шунга даъват этади.

Хориждаги кўлгина ватандошларимиз ва бизнинг тақдиримизга бефарқ қарамайдиган дўстларимиз қайта-қайта таъкидлайдиган бир ҳақиқатни — бугунги кунимизнинг, Истиқлол ато этган озодлик ва эркимизнинг қадрига етишимиз, уни юксак ардоқлаб, қадрлашимиз керак. Шу ҳақда шахримиз кишиларнинг, пойтахт меҳмонлари-ю хорижлик дўстларимиз фикр-мулоҳазалари, тафаккур намуналари газетамиз саҳифаларида кенг ўрин олади.

Бугун эса, янги рунлардан бири — «Истиқлол ва биз» деб номланган сўрвонма саволларини эътиборингизга ҳавола эташим. Уларда сиз азис пойтахтликлар — турли табақа вакиллари, ёшлар ва кексалар, турли миллат кишиларининг жавабларини ўқиб борасиз.

Шундай қилиб, «Истиқлол ва биз» сўрвонмаси:

1. Мустақиллик йиллари рўй берган ўзгаришларнинг энг муҳимлари нималарда намойён бўлмоқда деб ҳисоблайсиз?
2. Истиклолнинг шахсан ўз тақдирингизга таъсири, атрофдагилар ҳаётингизга ўзгаришлар ҳақида нималар дея оласиз?
3. Келажаги буюк давлатни барпо этиш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ҳақидаги фикрларингиз?
4. Энг азис, энг улуғ айёмимизга сиз меҳнат қилаётган жамоа ва шахсан ўзингиз қандай натижалар, тўхталар билан бориш ниятидасиз?

«Тошкент оқшомининг азис мухлислари, юқоридаги саволларингизга хат орқали, бевосита мулоқотларда, телефон орқали жавоб беришингиз мумкин. Мақтублар ва жавабларингизни, шахсан мулоқот учун таъширларингизни кутамиз.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANGAN ТОШКЕНТ ШАҲРИ Тўғрисидаги энг яхши қўшиқлар танлови

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган Тошкент шаҳри тўғрисидаги энг яхши қўшиқлар танловини ўтказишдан мақсад — муסיқий ва бадий образларда мустақил Ўзбекистонни улуглаш, Истиклол йилларида Ўзбекистонда, унинг пойтахти Тошкент шаҳрида юз берган улугвор ўзгаришларни маъх этиш, Шарқ дарвозаси бўлган Тошкентнинг тарихи ва бугунги кунини тараннум этиш, дўстлик, тинчлик шаҳри эканлигини гавдалантиришдан иборатдир. Танлов Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан ҳамкорликда ўтказилади. Танловда ҳам профессионал бастакорлар, санъаткорлар, шоирлар, ҳам хаваскор ёшлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга фақат янги ёзилган қўшиқлар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган асарлар савияси ва ижрочилиги маҳоратини баҳолаш учун ҳакамлар хайъати тузилади.

Танловга тақдим этиладиган асарлар (клавир ва фонограммалар) 2001 йил 10 июнча қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим: Тошкент, 700000, Фуломов кўчаси, 69 Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси Тел/Факс: 133-08-67, тел. 133-20-28

Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар берилади:

Биринчи ўрин:	— 600 000 сўм
Иккинчи ўрин:	— 450 000 сўм
Учинчи ўрин:	— 300 000 сўм

Рағбатлантирувчи мукофот (иккита) — 300 000 сўм

Бу мукофот миқдори қўшиқ бастакори, шеър муаллифи ва ижрочи хонандага тенг миқдорда бўлиб берилади.

Танловга тақдим этилган қўшиқларни саралаш ҳакамлар хайъати томонидан 2001 йил июнь ойи охирида ўтказилади.

Танлов ғолибларининг яқунловчи концерти Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги арасида ўтказилади.

Танловда ғолиб чиққан қўшиқлар Мустақиллик, Наврўз умумхалқ байрамлари асосий томошаларида ижро этиш учун таъсир этилади.

Танловда ғолиб чиққан қўшиқлар алоҳида китоб ҳолида нашр этилади.

Ташкилий қўмита



# Қафғол аш-Шоший

(903-976)

Истиклол туфайли ўтмиш алломаларимизнинг муборак номлари-ю уларнинг қолдирган мерослари қайтадан ўрганилиб, халқимизнинг ифтихорига айланмоқда. Ватанимиз тарихида Тошкент жуда кўплаб шоирлар, адиблар, уламою фузалолар, риёзат ва табобат ахлини етиштирган масканлардан биридир. Ана шундай алломалардан бири Қафғол аш-Шошийдир.

Бул зотнинг тўлиқ исми-шарифлари Абу Бакр Мухаммад ибн Али Исмоил Қафғол аш-Шошийдир. Бирок, араб манбаларида ул зоти шарифнинг номларини эъзозлаб, исми шарифларини эъзабга ёнига «ал-Кабир» иборасини қўшиб ёзиш анъанга айланган.

Қафғол аш-Шоший дастлабки билимини ўз юрти Шошда (Тошкент), кейинчалик Самарқанд, Бухоро ва Термиз шаҳарларини кезиб Имом Исмоил ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Мухаммад ат-Термизий (824-892) каби етук мутафаккир олимлар мероси билан танишиб, баҳраманд бўлади. У бир неча муддат Самарқандда яшаб, таълим олади.

Қафғол аш-Шошийнинг ҳаёт тарзи ва илмий, сиёсий фаолияти ҳақида ҳали ўзининг ҳаётигидаёқ халқ орасида озгачи ривоят ва афсоналар яратилган эди. Уларда халқ орасида ўзининг илмий ва сиёсий фаолияти билан катта обрў ва эътиборга сазовор бўлган донишманд, олим Абу Бакр Мухаммад ибн Али Исмоил Қафғол аш-Шошийнинг номи тараннум этиларди. Биноан айтилади, у фуқарога ғамхўр, мунис ва ҳомий сифатида талқин қилинган. Мазкур ривоятларда Қафғол аш-Шошийнинг ўта адолатпарварлиги туфайли, «Хазрат имом» (фурқат раҳнамоси), «Подшохи мард» каби сифатлар билан тавсифланган.

«Манокӣб ул-хуқамо» (Алломалар ҳақида ривоятлар) номи асарда ёзилишича, Абу Бакр Мухаммад ибн Али Исмоил Қафғол аш-Шоший 903 йилда Тошкентда таваллуд толган. Отаси кўлфосоз хунараманд бўлган. Ўз юртида барча илмларни эгаллаган, яна илму дониш иштиёқида Бағдод сари йўл олган. У Бағдодга келган, Мухаммад ал-Хоразмий асос солган «Хикмат дониш» (Байтул хикмада) илмга машғул бўлади. Орадан бир оз вақт ўтган, ўзидаги факулдада истеъдод ва чуқур билими билан алломалар орасида шухрат қозонади. Айниқса, фикхшунослик илмига қаттиқ киришади. Зеро, фикх илми муулмон оламида кенг тарқалган ва ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этган фанлардан бири эди. У фикх илмини эгаллаб билан бирга фалсафа, мантиқ, адабиёт каби фанларни ҳам пухта ўзлаштирган эди.

У араб, ҳинд ва лотин тилларини ўз она тилидек биларди. Бинобарин, мазкур тилларга оид мукамал луғатлар ёзган.

Фикх илмида (шариат қонуншунослиги) Қафғол аш-Шоший ўз замонасида – Бағдодда ягона аллома бўлган. У кўп муддатлар «Байтул хикма»га раҳбарлик қилган. Қафғол аш-Шошийнинг доверули халифа мунташир кулоғига етиб, уни саройга тақлиф этиб, вазир аъзамлик лавозимига тайинлайди. Қафғол аш-Шоший бир неча йиллар вазирлик мансабига адолатли мезон қилиб сиёсат юритди. Халифани инсоф ва диёнатга даъват қилиб, зулмкор ҳоким ва амалдорларни жазога мустаҳик қилди. Фуқароларнинг дардида малҳам бўлиб, бошини силлади.

Қафғол аш-Шоший илм чашмаларидан баҳраманд бўлиш ниятида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини кезади. Унинг таълим олган устозларига қараб, илм даражаси нечоғлиқ юксак эканлигини билса бўлади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қафғол аш-Шошийнинг қонуншунослик ва тарих соҳаси бўйича устози машҳур олим ат-Табарий (839-923)дир. Зотан Абу Жаъфар Мухаммад ибн Жарир ат-Табарий Муулмон Шарқнинг энг йирик тарихчи алломасидир. Қафғол аш-Шошийнинг иккинчи устози Абул-Хасан Али ибн Абу Мусо ал-Ашъарий (873-941)дир. Бул зот Шарқда эътиқод илмининг (каломчилар оқими) асосчиси бўлиб, мазкур соҳада кўпгина асарлар битган. Тожиддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ас-Субкийнинг (таваллудди 1327) ёзишича, Қафғол аш-Шо-

кайси юртдан экан? Халифалик музофотида бундай истеъдод соҳиби борлигини биз беҳабар эканмиз, – дердилар.

Бовужуд, ушбу биргина мисол талқинида Қафғол аш-Шошийнинг тадбиркор давлат арбоби, забардаст ва ҳозиржавоб шоир эканлиги маълум бўлади. Афсуски, унинг адиблик, шоирлик, тилшунослик ва мантиқшунослик фаолияти билан ҳозиргача ҳеч қим шугулланмади. Шунингдек, унинг жадал диалектикага оид асари ҳам ўрганилган эмас.

Қафғол аш-Шошийнинг ҳаёт куши шарқдан ғарбга оға бошлагач, дунё ишларидан, мансабу давлатдан воз кечиб, туғилиб ўсган юрти Тошкентга қайтиб келади. Манбаларнинг хабар беришича, бағдодлик Хожа Мухаммад Номий исмли олим Қафғол аш-Шоший кўлида таҳсил кўриб, у билан қалин дўстлашиб қолган экан. Шу боис ул киши ўз оила аъзолари билан бирга аш-Шошийга эргашиб Тошкентга келади ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолади.

Ривоятларга кўра, Қафғол аш-Шошийнинг юртдошлари уни ниҳоятда иззату иқром билан қўлиб олганлар. У ўз маҳалласидаги мадрасада мудarrisлик билан шугулланган. Қафғол аш-Шоший 976 йили 73 ёшида вафот этган. Хамшаҳарлари уни илму дониш, адолатли ва фуқаропарварлиги туфайли эъзозлаб, унга макбара бунёд қилганлар. Қафғол аш-Шоший макбараси узок-яқин элзулатлар учун табарруқ қадимжол бўлиб қолган. Одий фуқаро Абу Бакр Мухаммад ибн Али Исмоил Қафғол аш-Шошийнинг ажойиб фазилатлар соҳиби бўлганлиги сабабли «Подшохи мард», «Хазрати имом» деган фахрий унвонга сазовор этган. Хозир Тошкент халқ иборасида «Хастимом» деб аталадиган жой шу мўътараб зотга нисбат берилиб айтиладиган «Хазрати имом» кўша сўзининг қисқарган шаклидир. Аслида бу жойнинг номи Хазрат имом Қафғол аш-Шошийдир. Ул зотнинг қабрилари атрофида Тошкент тарихига дахлдор бўлган машҳур ва мўътараб зотлар абадий уйқудадурлар.

Қафғол аш-Шоший макбараси XVI аср мезмориликнинг маҳабатли ёдгорлиқларидан биридир. Бу даврда Тошкент шаҳри раванк толиб, савдо-сотик ва хунарамдчилик анча ривожланиб, Мовароуннахрнинг маданият марказларидан бирига айланган эди. Бинобарин, ҳокимлар ўз номларини абадийлаштиришга интилиб ҳаммом, карвонсарой, мадраса, хонақоҳ, масжид ва макбаралар кура бошлаганлар. Қафғол аш-Шоший марқадиди устидаги нураб қолган макбаранинг ўрнига янгииси ҳам шу даврда қурилган.

XVI аср охирида Қафғол аш-Шоший макбараси ёнида Бобоҳўжа (вафоти – 1519) макбараси қурилади. Жануб-роқда эса XVI асрда мухташам бино – Бароқхон мадрасаси барпо этилади.

Қафғол аш-Шоший макбараси пештоқи шимолга қараган бир гўмбазли иншоотдир. Шуниси ажабланарлики, бино қурилишида асрий анъаналарга риоя қилинмаган. Бино қурилиш жихатидан иккита ўзаро тик ўқ асосида қурилган. Улардан бири Маккатуллога қараган, иккинчиси эса шимолга қараган тарафга қаратиб қурилган. XV асрларда тарихи топган шаҳар қурилишига кўра, бино шу тарика қурилган бўлса керак. Бинобарин, макбарага кириш йўли шимол томонга қараб қурилган. Холбуки, у даврдаги ёдгорликларда асосий йўл ғарби-шарқ тарафга қараган бўлар эди.

Қафғол аш-Шоший макбараси яна шу жихатдан диққатга сазоворки, унинг ҳамма фасадлари ҳар хил қилиб қурилган. Шимолий ва жанубий фасадлар бир-бирига мос тушса-да, шарқий ва ғарбий фасадлари бир-бирига монанд келмайди. Пештоқнинг юқори қисми сақланмаган, пештоқнинг ўзи ҳам таъмирланавериб ташки кўриниши ўзгариб кетган.

Қафғол аш-Шоший макбараси қурилишида асосан Темур ва теурийлар давридаги мезморилик намуналарига риоя қилинган. Бу тарихий обидга халқимизнинг ифтихоридир.

Тўғун ФАЙЗИЕВ



Мунозара.

НАЗМ

Шоира Зулфия Мўминованинг шеърларида она ва болалик, аёл бахти, келажак, истиқлолимиз туйғулари чиройли мадҳ этилади. Яқинда шоиранинг яна бир янги – «Самога сочилган юлдузлар» тўлаими нашрдан чиқди. Бугун биз шоиранинг янги шеърларидан намуналарни оқшомхонлар эътиборига ҳада этмоқдамиз.

## ВАТАН ТИՇЧ – БИЗ ТИՇЧ

Ховучимдан охулар сув ичган кунлар,  
Хурлиқлар афсусларни ечган кунлар,  
Гул умримда асал кунлар кечган кунлар,  
Сура мисол лабларимдан тушмади ҳеч –  
Ватан тинч – биз тинч.

Худоба бир айтганимнинг ижобати,  
Юз иссиги, кўз иссиги, ҳидояти,  
Мустақиллик берган бахти саодати,  
Борлигимда оқ гулларни очган севинч –  
Ватан тинч – биз тинч.

Тунлар гўзал тушлар кўриб ухлайдирман,  
Тонгларда гўнчалайман, гуллайдирман,  
Кўнгилларга кўнгилларни йўллайдирман,  
Дил ўйини ушлаб турган муқаддас синч –  
Ватан тинч – биз тинч.

Шоир бўлдим, сирли-сирли, хаёл бўлдим,  
Шаҳзодалар ечолмаган савол бўлдим,  
Иншооллоҳ бағри бутун аёл бўлдим,  
Синдирилмас, сўндирилмас мени ўкинч –  
Ватан тинч – биз тинч.

Сув ўтларин шивирлаши булоғимда,  
Чечакларнинг пичирлаши кулоғимда,  
Фақат бешик гичирлаши кулоғимда,  
Кўз тегмасин тарорлайман оҳиста, тинч:  
Ватан тинч – биз тинч.

Баҳоримдим, кумуш-кумуш қоримдим,  
Ишк бегода йўқимдим ё боримдим?  
У келмади, мен ҳам излаб боримдим,  
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Ишк йўқ, сир-аёнимга етмамай,  
Ки йилларки сарсонимга етмамай,  
Бу не ҳижрон, фиғонимга етмамай,  
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Ишк қарвонким кўнғирогои зор ўтгай,  
Ёди ила ёдимдан баҳор ўтган.  
Ким айтадур ул қарвон тақдор ўтгай,  
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Кўзин эслаб кўздан дарёлар оқди,  
Ёш бошимга эски савдолар оқди.  
На хўш синов, на хўш иншолар оқди,  
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Хомуш-хомуш ёққан оқ қорлар гўзал,  
Айриликда, ишкда иқролар гўзал,  
Иккимизга таниш аррорлар гўзал,  
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Менинг сўзим ёниб ўчгай пайконда,  
Менинг кўзим ёр ашаган маконда,  
Менинг кўнғлим, Оллоҳимда, осмонда,  
Мен бундаман, ёр андадир, жон анда.

Зулфия МўМИНОВА

## Шарқ дурдоналари

# Оз-Оз ўтганич Домо бўлур...

● Инсоннинг энг гўзал фазилати – унинг одоби-дир. Хўсн хўсн эмас, одоб хўсн, у ҳеч қачон қаримай, абадий хўзур-халоват бағишлайди.

● Ширин сўз – одобли кишининг энг зарур қурол-лидир. Аччиқ сўзлар айтиб, дилларни шикасталаш нодонлик белгисидир.

● Одобли инсон дўстликни зардек қадрлайди. Зеро, қил ҳар қанча ингичка бўлса ҳам бир-бирига бирикканда филни ҳам банди қилиб қўяди.

● **ХИҚОЯТ.** Бир қанча фозиллар Афлотунга шундай савол беришибди:

– Кимларга тезроқ ақл киришини истар эдинг?  
– Душманларимга, – дебди у.  
– Ҳаммага маълумки, ақлли, одобли одам ёвузликдан қочади, аҳмоқларни эса бемаъни ишдан сира қайтариб бўлмайди.

**БАЙТ:**  
Ҳаёю, шарму одобу, тавозе,  
Эмас ҳайвонаким, инсон яхши.

● Ақлли одам ҳамма нарсадан кечса ҳам дўстидан кечмайди.

● Кимки оғир дамларда дўстини ташлаб кетса ўзи ҳам қулфатга йўлиқад.

● Дунёда дўстликдан афзалроқ ва ёқимлироқ нарсаси йўқ. Умрдан дўстликни ўчириб ташлаш – дунёни қуёш нуридан маҳрум этиш билан баробар.

● Яхши дўст топганда, эскиларини унутма.  
**БАЙТ:**  
Яқин дўстинг сенга ёмон истаса,  
Ундан юз ўғирма, бардошла сўзла.  
У билан олишма, сўкма, тортишма,  
Шунда ҳам ярашиш йўлини кўзла.

● Қаноат меваси – роҳат, камтарлик меваси – муҳаббат.

● Ақлли аёл эр ҳақлини ўз табассуми ва чиройли муомаласи билан юмшатади. Оилада бўладиган ҳар хил гапларни турли ерларга ташмалаб юрмайди. Эри устидан ҳеч қимга, ҳатто ўз ота-онасига ҳам шижоат қилиб гапирмайди. Мана шундай ҳислатга эга бўлган аёлга уйлانган эркак ҳаққий бахтиёр эркак ҳисобланади.

**БАЙТ:**  
Сенга газаб қилиб қаҳримни сочсам,  
Сен мени кечиргин, севаман сени.  
Ўзим тугулмайман ҳаёл келганда,  
Ақлим кетиб ёмон қийлиб мени.

● Азизим, ҳар қандай семиздан ботирлик умид қилиб бўлмайди ва ҳар қандай зўр овозли ва йўғон жуссалидан қувват тама қилиш ноўриндир. Қўрган-мисан, қамши қанчалик йўғон бўлмасин барибир ингичка чўпдек синади, лайлакнинг қадди қанча катта ва баланд бўлмасин, бургут кўлида ожиз бўлиб қолади.

● Раҳм ва шафқат инсоннинг энг яхши фазилатларидан биридир. Раҳм шафқатли киши доимо одамларга ёрдам қўлини чўзади, ожиз ва нотавон кишилардан хабар олиб туради.

● Бир кун уфалтар даврасида Лайли ва Мажнун ҳақида суҳбат бўлибди. Шунда бир йиғит: «Лайли унчалик гўзал эмас экан, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан», – деб қолибди. Шунда дўстлари: «Мажнунни ром қилган нарсаси Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!» – деб жавоб беришибди.

**БАЙТ:**  
Дилраболар ошк ақлин ўлдирур тош  
дил билан,  
Лек қайта тиргизур хушхулку, ширин тил  
билан!  
Сен газаб бирла бирор филни енголмассан  
бирок,  
Бўлса юмшоклик уни ром айлагунг бир  
қил билан!

● Баъзи ҳақимларнинг фикрича, одамнинг ақлли эканлигининг белгиси ҳамма билан мурося қила билишида, одамлар билан тил топа олишида ва уларни тўғрилик томон юргиза билишидадир. Мақолда: «Халқ билан тил топа олмаган киши – ақл неъматидан маҳрум киши» дейилади. Халқ билан мурося ва мадора деганда шундай нарсани тушуниш керакки, унда ёлғончилик бўлмайди, ҳеч қимни алдамайди. Тили билан дили бир-бирига мувофиқ бўлади; каттаю кичик билан бирдек муомала қилади, барчани яхши ишлар сари ундайди, ҳеч қимга зарари тегмайди.

● Лукмон ҳақим айтди:  
– Кишининг ақли шараф ва улўғлик асосидир! Кимнинг ақли кўп бўлса айблари яширин ва дўстлари эса ундан рози бўлади.

● Яхшлик яхши ном келтиради, саховат эса кишини бахтиёр қилади.

● Ёмон отли киши ўлик билан тенг,  
Яхши ўлса ҳамки, тирик эл аро.  
Шундай яшагинки, сен ўлсанг агар,  
Бошга тупроқ сочиб чексинлар наво!  
**ХИҚМАТ.** Таажжубки, дунёпарастлар бойликни молдан қидирадилар, ваҳоланки, у қаноатдир. Роҳатни эса кўпдан қидирадилар, ақсинча у оздадир.

**БАЙТ:**  
Учур оту янги либосда,  
Ҳеч фазилат эмасдир ниҳон.  
Дунёпараст хуш либослиқнинг,  
Юрағида ғамдир уммон.  
Жон роҳатин изласанг агар,  
Қаноатда бўлгандир пинҳон.

● Бир ҳақимдан сўрадилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан сенга ёқди ва биродарлик даражасига етди ва қайси бирига муҳаббатинг кучлироқдир?» Ҳақим: «Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечирадигани!» – деб жавоб берди.

● Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшайди. Дарахт тоза ва ҳосилли бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва ҳазон етса, ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсаси арзимамайди.

**Ростлиғу дўстликни кутса бўлади,  
Ақл кишилардан, фарзонлардан.  
Аҳмоқлик бўлади яхшилик кутмок,  
Ақли йўқ, баднамо, девоналардан.**

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлаган.



Онажоним – меҳрибоним.

Равиль Альбеков олган сурат лавҳаси.

## МАШҲУР САЊАТҚОРЛАР ҲАҚИДА ҲАНГОМАЛАР

Бир оқшом таникли рус композитори Александр Бородин уйга дўстларини тақлиф қилди. Меҳмонлар овқатланишди, куй чалишди, мириқиб суҳбат қуришди. Бир пайт Бородин сапчиб ўрнидан турди-да, дўстлари билан хайрлаша бошлади.

– Йўл бўлсин, Александр Профи́ревич? – сўрадилар меҳмонлар ажабланиб.

### БУ-ҚИЗИК

Эраимздан аввалги икки минггинчи йилларда мисрликлар, кейинроқ юнонлик ва римликлар сокол-мўйловини киртишлаб юришни одат қилишган. Бинобарин, эркакларнинг зарур қурол бўлиш устаранинг ўзига яраша тарихи бор.

Энг дастлабки устара чакмоқтошдан ясалган қашлағич бўлган экан. Археологик экспедиция Шимолий Кавказда мис қазиб чиқарадиган қадимий қон яқинида бронза дастали ёйсимон устара топишди. Олимларнинг ҳисобига қараганда, бу устара

– Хайр, яхши қолинглар, уйга боришим керак, эрталаб лекция, вақтларок бориб, дам олмасам бўлмайди, – деди Бородин шовганча. Ҳамма шарақлаб қулиб юборди. Шундагина мезбон ўз уйда эканлигини билиб қолди.

Венада икки ёш композиторнинг жиний иши қўрилмоқда эди.

Улар бир-бирини адабий ўғирликда айбларди. Ҳақамликка машҳур композитор Ференц Легарни тақлиф қилишди. Легар иккала композиторнинг кўлёмаси билан танишиб чиққандан кейин ундан сўрадилар: – Хўш, жаноб Легар, қуй қайси композиторники экан? – Оффенбахники! – деб жавоб берди Легар.

Маъпура НАБИЕВА тўплаган.

Эраимздан аввалги IX-VIII асрда ясалган экан. Бир неча асрлар давомида бронза ва чакмоқтошдан ясалган устара ишлатилиб келинди. Ниҳоят эраимздан олдинги минг йилликка келиб одамлар маъдандан темир ажратиб олишни ўрганиб олганларидан кейин барча меҳнат қуроллари сингари устара ҳам тақомиллашди. Ҳозир сартарошлар ишлатадиган устаралар ана шу даврда пайдо бўлди.

XX асрнинг бошларида ҳавфисиз устара (лезвия), 60-йилларда эса электр устаралар чиқарила бошлади.

Уч хил оҳангда

Маълумки, эркак қушининг ўзига хос ҳаракати оғоҳлан-тириш маъносини билдиради...

Қора чигиртанинг туни билан тинмайдиغان бу хонишини мутлақо мақсадсиз чириллаш деб ҳисоблашарди...

Сув ўтининг хосияти

Японияда сув ўтларидан 300 хилдан ортқ миллий табиқ фойдаланади...

Япон олимлари сув ўтларини микроэлементлар ва фосфор тузалари билан мах-сус чиқарган...

Жарима ва мукофот

Раджахстон штатининг Хунлар кишлоғи аҳолиси қадимий урф-одага катъий амал қилади...

Қишлоқда бу урф-ода қачон ва қим томонидан қиритилганини ҳеч қимга маълум эмас...

Кунига 185 та

Римдаги Оспедал бутхонасининг роҳибини (у тиш табиқи бўлган) Жованни Баттиста 1868 йилдан 1904 йилгача бўлган ўзининг табибилик фаолияти давомида...

Бекул газети

Мабодо Американинг Сант-Питерсбург шаҳрида кун бўйи ҳавони булут қопласа...

Мирзо Улугбек тумани Давлат солиқ инспекцияси ва қасба-йишмас кўмитаси жамоаси собиқ ходим, нафақадати...

Санобар АГЗАМОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оиласига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдириди...

«Авесто»да ҳаёт манбаи — сув мадҳи

Оламзоднинг кун кечирини учун сувнинг ўрни ўзгача, сувсиз ҳаёт йўқ...

Мана, сувнинг пайдо бўлиши ҳақида илоҳий китобдан парча: «Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! Сув, булут ва бод (шамол, ел)ларни Фарғқарт...

Биз Амударёдан фойдаланавербимиз-у, аммо унинг пайдо бўлиши ҳақида ҳеч ҳам ўйламаймиз...

Шунда мен — Ахура-Мазда — сувларни пинҳона қайтариб оламан.

Мен — Ахура — Мазда — Буйтяка (Амударёнинг ирмоғи) дарёсига қайтараман. У ерда сувлар жўш урадилар...

«Уша гиёҳлар устига мен — Ахура-Мазда — ёмғир ёдираман...

ларга жон бағишлайди, атрофни гиёҳлар билан безаб, ям-яшил жаннатмақонларга айлантиради...

Ахура-Мазда сўз қотди: Сен мен учун Анаҳитани (илоҳ) шарафлагил, Спитом — Зардушт...

«Ахура — Мазда ато қилган яхши сувларга, — дейилган «Авесто»да, — ибодат ва олқиш, куч ва қудрат тилайман...

«Ахура — Мазда ато қилган яхши сувларга, — дейилган «Авесто»да, — ибодат ва олқиш, куч ва қудрат тилайман...

Мусокул УСМОНОВ, профессор.



Бола билан нурафшон олам.

Тест синовлари муваффақиятли ўтди

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигини, «Экосан» экология ва саломатлик ҳалқаро жағармасининг Ўзбекистон бўлими ҳамда Тошкент Давлат аграр университети ташаббуси билан «Алломиш» ва «Барчиной» махсус тестлари асосида Тошкент Давлат аграр университети спорт залида «Спорт ва саломатлик ойлиги» байрами бўлиб ўтди.

Ушбу университетнинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган спорт байрамидда талабалар билан бир қаторда профессор-ўқитувчилар ҳам «Алломиш» ва «Барчиной» махсус тест синовларини топширишди.

хизматчилар ва талабалар тест синовларидан ўтишди. — дейди биз билан суҳбатда Тошкент Давлат аграр университети-нинг жисмоний тарбия кафедраси доценти, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибки Эркин ака Каримов...

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.



Киш оғушидан уйғонаётган табиат.

Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётганини қани...

Ўзбек халқида оқ илон ҳақида турли хил тушунарлар бор. Қарияларимиз ойдинда ётган оппоқ илонни қуриш бахт келтиради...

Бекобод кишлоғида бир келин-куёв яшаган экан. Кунлардан бир кун тунда келин ҳўлисидида оқ илонни кўриб қолди...

«Чек» форсча сўз бўлиб, қарз тилхатини билдиради. Эрамизнинг IV-V асрларидан бошлаб ишлатилган...

«Инкассо» форсча сўз бўлиб, ваколат ҳўзғи билан пул олиш, уни банкадаги ҳисоб рақами...

«Ким ошди» савдоси — аукцион деган маънони билдиради. Эрамизнинг VI-VII асрларида биринчилардан бўлиб, Мо-вароуннаҳ худудида яшаган аждодларимиз ишлатишган...

«Ким ошди» савдоси — аукцион деган маънони билдиради. Эрамизнинг VI-VII асрларида биринчилардан бўлиб, Мо-вароуннаҳ худудида яшаган аждодларимиз ишлатишган...

РИВОЯТЛАР

Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётганини қани...

эри: «Шунчаки сенга кўринган, илонда кўз ёши нима қилади» — дебди.

Оқ илон ўлган кўндан бошлаб, ўша қора илон келин-куёвни тўқиб қила бошлабди. Улар қаерга бормасинлар қора илон ўша ерда пайдо бўлар...

Саодат УСМОНОВА, Ўзбекистон Миллий университети II курс талабаси.

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

Мармарак

Ўлкамизда ўсувчи юзларча серхислат гиёҳлар орасида мармарак халқ табиотида амалиётда алоҳида ўрин тутади.

Мармарак турлари Марказий Осиёнинг тоғли дегараларида, тоғларнинг ёнбағирларида, қорлариди, бот ва далада табиқий ҳолда ўсади...

Замонавий табиёт амалиётда ҳам мармаракнинг шифобахш ҳўсувсизидан тadbиркорлик билан фойдаланилади. Мармаракнинг гулен доривор воситалари оғиз бўлиши, томоқнинг яллиғланиши билан боғлиқ бўлган, шунингдек нафас йўллари касаллиқларида тавсия этилади...

Адабиётларда қайд этилишича, мармарак терлашни қамайтиради, ундан клизма даярида, баъзи иситмаларда, сил касаллигида фойдаланиш ўринли ҳисобланади.

Мармарак барглари таркибиди флавоноидлар, алкалоидлар, ошловчи, катрон моддалар, органик ачиллар, Р, РР витаминлари, аччиқ моддалар, фитонцидлар билан бир қаторда эйфор мойлари бўлиб, уларнинг асосини пинен, цинеол, туйон, борнеол, салвен ва бошқа терпенил бирикмалар ташкил қилади...

Маннон НАБИЕВ, дорихўно олим.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ИНТЕРНЕТ. UZ» 1-Миллий Интернет-фестивали XXI асп — ахборот-коммуникация технологияларининг мислсиз равнақи асридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ماتбуот хизмати; Маданият вазирлиги; Фан ва техника давлат қўмитаси; Устелерадиокомпания; Почта ва телекоммуникация агентлиги; Тошкент шаҳар ҳўкимияти; БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси; «UzPAK» миллий интернет компанияси; «eSedat.com» Интернет — портал; «ИНТЕРНЕТ. UZ» деб номланган 1-Миллий Интернет-фестивалининг ўтказмоқлари.

ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛНИНГ БОШ МАҚСАДИ: Миллий ахборот тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимлари, технологияларидан кенг фойдаланиш ҳамда мамлакатда ахборот индустриясини ривожлантиришга қўмаклашиш.

1-Миллий Интернет-фестиваль шу йилнинг 15 март кўни ўтказилади. 1.Йилнинг энг яхши ахборот-таҳлил сайти 2.Энг яхши корпоратив сайт 3.Санъат ва маданиятга оид энг яхши сайт 4.Электрон тижоратнинг энг яхши сайти 5.Энг яхши илмий сайт 6.Энг яхши спорт сайти 7.Энг яхши Web-дизайн 8.Ўзбекистонда Интернет ривожига оид энг яхши мақола 9.Интернет учун ишлаб чиқилган энг яхши программа 10.Ўзбекистонда Интернет ривожига энг яхши ҳисса 11.Йилнинг энг яхши Интернет лойихаси 12.Йилнинг энг яхши провайдери 13.Энг яхши Интернет-кафе лойихаси 14.Энг яхши валанларварлик сайти 15.Энг яхши ёш программачи 16.Ўзбекистон ҳақида энг яхши хорижий интернет-лоийха Интернет-фестиваль шартлари ҳақидаги тулук маълумотни Ташкилий қўмита ишчи гуруҳининг 144-34-14 рақамли телефони орқали ёки Интернет-фестивалнинг WWW.UzPAK.Uz серверидаги Web-саҳифасидан олишингиз мумкин.

Фестивалда қатнашиш истагини билдирганларнинг муурожаатномалари festival@uzpak.uz адресли электрон почта ёки 144-39-15 рақамли факс орқали қабул қилинади.

Интернет келажакка интеграциялаштирувчи технологиядир! 1-Миллий Интернет — фестивал Ташкилий қўмитаси

Арилар жанги

Табиат кучида завқиланиб келаётиб туйқус қўлоқни қоматга келтириб визиллаган арилар овозидан ҳайратланиб атрофга қарадим. Мендан 5-6 қаддам нарида икки қовоқ ари ҳавода «жанг» қилишарди.

Улар бир-бири билан ёпишиб бироздан кейин ажралашибарди-да, ҳавода доира ясаб яна бир-бирига жанг жадал билан келиб уриларди. Бу ҳолат бир неча марта такрорланди. Мен қизиксиниб «жанг» майдонига яқинлашдим. Уларнинг ранги бир хил — ола-қора бўлганидан ажратиб бўлмадим. Жағ суяклари тараққий этган, боши одам бармоғидек келадиган ёввойи арилар бир-бирига ҳамла қилиб чарчамасди.

Кодирбой ТўРАБОЕВ

СПОРТ

қўйган Шоназар Қурбонвалар учинчи босқич мезёларини муваффақиятли топшириб, барчага ўрнак бўлишди. Шунингдек, университетга қарашли гимназиянинг 12 ёшли ўқувчиси Дилшод Умиджонов, коллеж ва лицей талабаларидан Дилшод Шоболтаев, Олим Рихсибоев ва Илхом Мухторов каби ўсмирлар ҳам синовларини аъло даражада топшириб ўз тенгдошларининг олқишларига сазовор бўлишди.

Синовларни муваффақиятли топширган талабаларга қимматбаҳо совғалар, фахрий ёриқлар ва кўркак нишонлари топширилди.

Азиза ИЛХОМОВА